

УЎК: 631.562; 631.

**МЕХАНИК ТАРКИБИ ОГИР, ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАР  
ШАРОИТИДА ЧУҚУР ЮМШАТИШ ВА ТУЙНУКЛИ ЗОВУР ҲОСИЛ  
ҚИЛИШНИНГ ТУПРОҚ СУВ-ФИЗИК ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ.**

*Атамуродов Бехруз Невъмат ўғли.  
“ТИҶХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариши институти  
таянч докторанти.*

**Аннотация:** Уибу мақолада Бухоро вилоятининг қадимдан сугориладиган ўтлоқи аллювиал, механик таркибига кўра оғир қумоқ тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларини иқтисод қилиши мақсадида тупроқни 0,8 метрда чуқур юмшатиб, 0,5 метрда туйнукли зовурлар ҳосил қилинган натижада, гўза етиширилган далада вегитация бошида жами б соатда  $711,3 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ёки  $0,198 \text{ мм}/\text{мин.}$  ни ташкил қилган бўлса, вегитация охирига келиб 1-вариантда яни, назорат вариантида  $604,9 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ёки  $0,168 \text{ мм}/\text{мин.}$  ни, 2-вариантда  $673,9 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ёки тупроқнинг ўртача сув ўтказувчанлиги  $0,1877 \text{ мм}/\text{мин.}$  оралигиде ҳамда 3-вариантда эса тупроқнинг сув ўтказувчанлиги жами б соатда  $634,6 \text{ м}^3/\text{га}$  ( $0,176 \text{ мм}/\text{мин.}$ ) ни ташкил қилганлиги тўғрисида мақолада келтирилган.

**Калим сўзлар:** шўрланган тупроқлар, чуқур юмшатиши, туйнукли зовур, вегитация даври, ҳайдов қатлами, сув ўтказувчанлик.

**Кириш.** Суғорма дехқончиликда тупроқларнинг зичланишининг асосий сабаблари булар сугориладиган майдонларда агротехник ва суғориш ишларини нотўғри олиб борилганлиги билан изоҳлаш мумкин, шу сабабдан бундай майдонларда зичланиш (қаттиқ қатлам) ва гипислашганлиги ҳисобига тупроқнинг шўрланиши ҳамда ҳажмий оғирлиги қолган тупроқларга нисбатан юқори бўлганлиги учун ҳам бундай тупроқларни мелиорацияланиши қийин ва унумдорлиги паст бўлади.

Қишлоқ хўжалигига тупроқнинг сув ўтказувчанлиги жуда муҳим

аҳамиятга эга бўлиб, тупроқ сув физик хоссалардан бири ҳисобланади. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалиги экинлари ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлиги учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади, чунки ўсимликлар сув орқали озуқа моддаларини олади ва илдизлар орқали сувни ўзига етарлича қабул қилиши керак. Сув ўтказувчанлик тупроқнинг тури, механик таркиби, ғоваклиги, ҳажмий оғирлигига боғлиқ бўлади. Тадқиқот олибрилаётган майдон тупроқнинг сув ўтказувчанлиги хар йили вегитация боши ва вегитация охирида “катта ва кичик халқалар” усули бўйича ҳар бир вариантлар буйича 6 соат давомида 3-такрорланишда сув ўтказувчанлиги аниқлаб борилди.

Бугунги кунга қадар зичлашган, турли механик таркибли, шўрланган ва гипслашган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақбул тадбирларни танлаш, суғориш ва шўр ювиш ишларида тупроқнинг сув-туз режимини яхшилаш ҳамда сув ресурсларини иқтисод қилишга қаратилган чуқур юмшатгич ва туйнукли дренажларни қўллаш бўйича қўпгина амалий тадқиқотлар олиб борилган.

**Тадқиқот материаллари ва натижалари.** Тажриба даласида йиллар давомида оғир техникаларнинг ишлаши, катта меъёрда суғориш сув билан кириб келган тузлар, нотўғри олиб борилган агротехник тадбирлар натижасида тупроқ ости қатлами зичлашиб, унинг сув ўтказувчанлиги, ғоваклиги, ҳажмий оғирлиги ва унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиб, тупроқ шўрини ювиш самарадорлиги пасайиши ва ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига салбий таъсирини кўрсатади. Шу сабабли ҳам бундай ерларда қўшимча агротехник тадбирлар яъни тупроқни чуқур юмшатиш ва туйнук зовур ҳосил қилиш муҳум тадбирлардан бири ҳисобланади.

Чуқур юмшатиш ва туйнукли-зовур ҳосил қилишда тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири буйича олиб борилган тажрибаларда дастлаб 2022 йил вегитация бошида 1-соатда  $191,2 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 2-соатда  $162,8 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 3-соатда  $129,8 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 4-соатда  $97,6 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ҳамда 5-6 соатларда  $71,5 - 58,4 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил қилиб, жами 6 соатда  $711,3 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ёки  $0,198 \text{ мм}/\text{мин.}$  ни ташкил қилган бўлса, вегитация охирига келиб 1-вариантда яни, назорат

вариантида 1-соатда  $161,8 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 2-соатда  $129,8 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 3- соатда  $109,7 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 4-соатда  $91,3 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ҳамда 5-6 соатларда  $62,8-49,5 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил қилиб, жами 6 соатда  $604,9 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ёки  $0,168 \text{ мм}/\text{мин.}$  ни ташкил қилган бўлса, 2-вариантда 1-соатда  $179,5 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 2-соатда  $154,7 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 3- соатда  $119,2 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 4-соатда  $94,2 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ҳамда 5-6 соатларда  $69,5-56,9 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил қилиб, жами 6 соатда  $673,9 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ёки тупроқнинг ўртача сув ўтказувчанлиги  $0,1877 \text{ мм}/\text{мин.}$  оралиғида бўлди. 3-вариантда эса тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 1-соатда  $166,7 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 2-соатда  $140,5 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 3- соатда  $116,7 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 4-соатда  $91,8 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ҳамда 5-6 соатларда  $63,6-55,3 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил қилиб, жами 6 соатда  $634,6 \text{ м}^3/\text{га}$  ( $0,176 \text{ мм}/\text{мин.}$ ) ни ташкил қилди.

**Хулоса:** Юқорида келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мүнкинки, Бухоро вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи аллювиал, механик таркибиغا кўра оғир қумоқ, кучли шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларини иқтисод қилиш мақсадида тажриба майдони тупроғининг 0,8 метрда чукур юмшатиб, 0,5 метрда туйнукли зовурлар ҳосил қилиниб, гўза етиштирилган далада вегитация бошида жами 6 соатда  $711,3 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ёки  $0,198 \text{ мм}/\text{мин.}$  ни ташкил қилган бўлса, вегитация охирига келиб 1-вариантда яни, назорат вариантида  $604,9 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ёки  $0,168 \text{ мм}/\text{мин.}$  ни, 2-вариантда  $673,9 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ёки тупроқнинг ўртача сув ўтказувчанлиги  $0,1877 \text{ мм}/\text{мин.}$  оралиғида ҳамда 3-вариантда эса тупроқнинг сув ўтказувчанлиги жами 6 соатда  $634,6 \text{ м}^3/\text{га}$  ( $0,176 \text{ мм}/\text{мин.}$ ) ни ташкил қилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган консепсиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024 сонли фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.
4. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси. – Тошкент: Шарқ нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2008. – Б. 267-272.
5. Нурматов Ш.Н., Мирзажонов Қ.М., Авлияқулов А.Э., Безбородов Г.А., Ахмедов Ж.Х., Тешаев Ш.Ж., Ниёзалиев Б.И., Холиқов Б.М. ва б.; Шамсиев А. таҳрири остида Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. – Тошкент. : ЎзПИТИ, 2007. -147 б.